

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРАВАДЕ АБХИЖИТ**

**ТУТ МЕВАСИНИ ҚУРИТИШ УЧУН ИНФРАҚИЗИЛ ҚУРИЛМАНИ  
ТАКОМИЛАШТИРИШ**

**02.00.16 - Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва  
аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD)**  
**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тараваде Абхижит**

Тут мевасини қуритиш учун инфрақизил қурилмани такомлаштириш .....3

**Tarawade Abhijit**

Improvement of the infrared equipment for drying mulberry fruits .....21

**Тараваде Абхижит**

Совершенствование инфракрасной установки для сушки плодов тутовника .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРАВАДЕ АБХИЖИТ**

**ТУТ МЕВАСИНИ ҚУРИТИШ УЧУН ИНФРАҚИЗИЛ ҚУРИЛМАНИ  
ТАКОМИЛАШТИРИШ**

**02.00.16 - Кимё технологияси ва озик-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва  
аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/T3039 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Султанова Шахноза Абдувахитовна  
техника фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Каримов Икромали Тожиматович  
техника фанлари доктори, профессор  
Курбанов Жамшед Мажидович  
техника фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:** Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг «22» 06 2023 йил соат «900» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (510 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2023 йил « 10 » 06 куни тарқатилди.  
(2023 йил « 10 » 06 даги № 329 рақамли реестр баённомаси).



**С.М.Туробжонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.И.Қодиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д., доцент

**К.П.Серкаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшмадаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда аҳоли сонининг жадал ўсиб бориши, табиийки озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни кескин равишда ошишига олиб келмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари инсониятни озиқ-овқат билан таъминлашда асосий манбаа бўлиб хизмат қилади. Бироқ, маҳсулотларнинг озуқавий қийматини узоқ вақт давомида сақлаб қолиш, уларни йиғим давридан бошқа вақтларда ҳам истеъмол қилиниши учун ички ва ташқи бозорларга юқори сифатда етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда конвектив ва инфрақизил қуритиш технологиясини оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, қуритишни жадаллаштириш, қайта ишлаш жараёнида хомашёнинг биоактив моддаларини сақлашга имкон берувчи энергиятежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, маҳсулотларнинг бошқа сифат кўрсаткичлари каби, уларнинг иссиқлик фаоллигини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик алмашинуви жараёнларидан оқилона фойдаланиш, экологик қуритиш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш, озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлаш жараёнларини математик моделлаштириш ҳамда мавжуд қуритиш усулларидан оқилона фойдаланиш орқали янги турдаги юқори сифатли маҳсулотлар олишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноатини самарали ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи экспортбоп озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Тузилмавий ислохотларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини изчил ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ва қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошириш» буйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноатини самарали ривожлантириш, экспортга йўналтирилган импорт ўрнини босувчи сифатли истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини сифатли ва арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини 2020-2030 йилларда тасдиқлаш тўғрисида»<sup>ги</sup>, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»<sup>ги</sup> фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/5841077>.

ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида» қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва жадаллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар қуйидаги хорижий олимлар томонидан амалга оширилган: Y.Huo, R.K.Datta, A.K.Awasthi, I.Güven, R.P.Srivastava, J.Li, H.Chen, Y.Garnida, N.Meeso, A.S.Majumdar, T.Furuno, V.Srijesdaruk, L.G.Tabil, W.R.Daud, Z.Yapar, C.Ertekyñ, A.B.Лыков, A.C.Гинзбург, Н.И.Вавилов, П.А.Ребиндер, Б.М.Касымбаев, И.Б.Левитин, О.С.Натареев, П.Д.Лебедев, А.В.Нестеров, Б.С.Сажин, шунингдек, маҳаллий олимлардан: Н.Р.Юсупбеков, З.С.Салимов, Дж.Н.Мухиддинов, А.Ф.Сафаров, Ж.М.Курбанов, А.А.Артиков, Х.С.Нурмухамедов, К.О.Додаев, К.Т.Норкулова, Х.Ф.Джураев ва бошқалар томонидан озиқ-овқат саноати жараёнлари ва аппаратларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва самарали технологиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан биргаликда, жаҳон ҳамжамияти олимлари қуритиш технологиясини ривожлантириш ва юқори самарали ресурс ва энергиятежамкор қурилмаларни лойиҳалаш ҳамда тут меваларидан юқори сифатли маҳсулотлар олиш ва қуритиш жараёнини моделлаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича фаол илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бироқ энергиятежамкор қуритиш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда тут меваларини қуритиш жараёнини математик моделлаштириш етарли даражада амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №С-И-19 «Доривор ўсимликларни биофаол моддаларини сақланган ҳолда қуритадиган импорт ўрнини босувчи инновацион қурилмани яратиш ва фармацевтика саноатига жорий этиш» (2019-2021 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тут меваларини қуритиш учун инфрақизил қурилмани такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қуритиш жараёнини оқилона ташкил этиш ҳисобига тайёр маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлаш мақсадида тут меваларининг хусусиятларини тадқиқ этиш;

математик ҳисоб-китобларни бажариш, жараён моделларини танлаш ва қуритиш тезлиги эгри чизиғини олиш;

қуритиш жараёнининг намлик диффузияси ва фаолланиш энергиясининг самарали коэффицентини аниқлаш;

тут меваларининг кимёвий хусусиятларини кимёвий таркиби ва доривор хусусиятларини сақлаш нуқтаи назаридан аниқлаш;

олинган тажриба натижаларини Windows операцион муҳитида замонавий Comsol Multiphysics 5.5, Solidworks, Microsoft Excel 2019 компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишлаш;

тут меваларини қуритиш учун инфрақизил қурилмани такомиллаштириш; диссертация тадқиқотлари давомида олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оқ (*Morus alba* L.) ва қора (*Morus nigra* L.) тут мевалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** инфрақизил қуритиш қурилмаси, радиацион қуритиш усулининг объект таркибига таъсири, қуритиш жараёнининг математик модели ва унинг параметрлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда кимёвий технологиянинг назарий асосларидан фойдаланилган ҳолда тизимли таҳлил қилиш ҳамда мураккаб техник ва технологик тизимларни синтез қилиш методологияси, технологик жараён ва тизимларни математик моделлаштириш ва оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тут мевасини ИҚ-нур ёрдамида қуритишда самарали намлик диффузияси коэффициенти ҳарорат ва қувватга боғлиқ ҳолда  $2,58 \times 10^{-9} \dots 8,37 \times 10^{-9}$  м<sup>2</sup>/с оралиғида ўзгариши аниқланган;

тут мевасини қуритиш жараёни замонавий Comsol Multiphysics 5.5 дастурида ёрдамида математик моделлаштирилган;

ИҚ-қуритиш жараёнини Пейдж модели энг яхши тавсифлайди, бунда энг юқори ўртача  $R^2$  (0,99882), энг паст ўртача  $\chi^2$  ( $2,89 \times 10^{-4}$ ), RMS ( $9,86 \times 10^{-4}$ ) ҳамда фаолланиш энергияси 53,97 кж/мол эканлиги аниқланган;

тут мевасининг биологик фаол моддаларни 90-95% гача сақлаш имконини берувчи қуритиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тут меваларини қуритишда ИҚ нурланишдан фойдаланиш, қуритиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши (қуритиш самарадорлиги 70 °С да ортади) ҳамда Пейджнинг тақсимланиш модели турли қуритиш ҳароратларида ИҚ нурланиш ва конвекцияли қуритиш жараёнини яхши тавсифлаши аниқланган;

такомиллаштирилган қуритиш қурилмаси 70 °С қуритиш ҳароратида ва 230 Вт ИҚ нур қувватда 300 дақиқада маҳсулот таркибидаги намликни 83-91% дан 16-25% гача камайтириш қобилиятига эга эканлиги аниқланган;

қуритилган тут мевалари таркибида глутамин кислотаси 1,11 мг/г, глицин 1,06 мг/г, аспарагин 1,09 мг/г, треонин 1,70 мг/г, аланин 1,25 мг/г, валин 1,32 мг/г, гистидин 1,59 мг/г, лейцин 1,65 мг/г, фенилаланин 0,27 мг/г, рутин 15,45 мг/г, кверцитин 0,90 мг/г ва галл кислотаси 7,68 мг/г миқдорда сақланиши аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган натижалар замонавий усул ва воситалар ёрдамида амалга оширилган назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг уйғунлиги, ҳамда Windows операцион муҳитида

замонавий Comsol Multiphysics 5.5, Solidworks, Microsoft Excel 2019 компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори сифатли якуний маҳсулот олиш учун тут меваларидаги иссиқлик ва намлик алмашилиш ҳамда сувсизланиш жараёнларининг мақбул параметрларини танлашда ҳарорат таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳарорат параметрлари ва ИҚ нурланиш қувватининг турли хил комбинацияларида қуритиш кинетикасини ҳисоблаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тут меваларини инфрақизил қуритишда ҳарорат ва ИҚ-нур қувватнинг мақбул параметрларини танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, тут мевасидаги биофаол моддаларни сақлаган ҳолда юқори сифатли якуний маҳсулот олиш имконини берувчи энергиятежамкор инфрақизил қуритилма конструктив жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тут меваларини қуритиш учун конвектив инфрақизил қуритиш қурилмасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тут меваларини қуритиш учун энергиятежамкор технологияси «Sunny Land Products» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2023 йил 4 январдаги 04-1/01-23-сон маълумотномаси). Натижада, юқори самарали ИҚ технологиясидан фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш 1,1 баробарга ошириш ва хомашё йўқотилиши 12% гача камайтириш имконини берган;

тут меваларини қуритиш усули «Sunny Land Products» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2023 йил 4 январдаги 04-1/01-23-сон маълумотномаси). Натижада, юқори самарали усулдан фойдаланиш натижасида якуний маҳсулот таркибидаги биологик фаол моддалар 90-95% гача сақлаб қолиш имконини берган;

тут меваларини қуритиш учун такомиллаштирилган инфрақизил қуритилма «Sunny Land Products» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2023 йил 4 январдаги 04-1/01-23-сон маълумотномаси). Натижада, ИҚ нурлатгичларнинг мақбул жойлашувини тўғри танлаш ҳамда такомиллаштирилган энергиятежамкор қуритиш қурилмасини амалиётга жорий этилиши ҳисобига мавжуд технология ва қурилмаларга нисбатан 1,25 баравар кам энергия сарфлашга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 6 та илмий мақола, булардан 2 та халқаро журналларда, 4 та республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 10 та иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 103 бетдан ташкил топган бўлиб, унда 54 та расм ва 37 та жадваллар келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади, объекти ва вазифалари шакллантирилган, шунингдек, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тегишлилиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг ишончлилиги, ҳамда ушбу тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Тут меваларини қуритиш усуллари ва қурилмаларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари**» номли биринчи бобида маҳаллий хомашё асосида қуритилган доривор мева ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинган ва истиқболлари очиб берилган. Шунингдек, қуритилган тут меваларини ишлаб чиқаришда мавжуд жараёнлар ва аппаратлар, қуритиш қурилмаларида содир бўладиган жараёнларни математик моделлаштириш, қуритиш қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича илмий адабиётлар таҳлилий кўриб чиқилган.

Мамлакатимиз агросаноатида кенг тарқалган қуритиш қурилмаларини лойиҳалаш масалалари ва қуритиш усуллариининг бугунги ҳолатига баҳо берилиб, тут меваларини қуритишнинг саноат усуллариини яратишни тақозо этувчи муаммолар мавжудлиги ҳақида хулоса қилинган. Бобнинг фактик материалларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертация ишининг «**Инфрақизил усулда тут меваларини қуритиш жараёнини математик моделлаштириш**» номли иккинчи бобида тут мевасини қуритиш жараёнини математик моделлаштириш натижалари келтирилган.

*Намлик нисбати.* Намлик коэффициентини ( $W$ ) ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади

$$W = \frac{W_t - W_p}{W_n - W_p} \quad (1)$$

бу ерда  $W_n$  - тут мевасининг қуруқ асосидаги дастлабки намлик, г/г;  $W_p$  - қуритиш мувозанатида тут меваларининг қуруқ асосидаги намлик;  $W_t$  - мос равишда  $t$  қуритиш вақтида қуруқ тут асосидаги намлик.

Агарда,  $W_p$  миқдори  $W_n$  ва  $W_t$  ларга нисбатан анча кичик бўлса, у ҳолда (1) тенгламани қуйидагича соддалаштириш мумкин.

$$W = \frac{W_t}{W_n} \quad (2)$$

*Қуритиш тезлиги.* Қуритиш тезлиги ( $C$ ) материалнинг сувсизланиш тезлигини ифодалаш учун ишлатилади. Ушбу формула (3) тенгламада кўрсатилган.

$$C = \frac{W_1 - W_2}{t_1 - t_2} \quad (3)$$

бу ерда  $W_1$  ва  $W_2$  - қуритиш жараёнида  $t_1$  ва  $t_2$  бўлганда тутнинг қуруқ асосидаги намлик миқдори.

*Намликнинг самарали диффузия коэффициенти.* Намликнинг самарали диффузия коэффициенти ( $D_{эфф.}$ ) материалнинг масса ўтказувчанлигини ифодалайди. Шунингдек, у қуритиш жараёнида намликнинг тарқалиш қобилятини ёки даражасини ифодалайди ҳамда қуритиш жараёнини ҳисоблаш ва моделлаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Секинлаштирилган қуритиш даврида маҳсулотнинг қуриш хусусиятларини Фикнинг иккинчи

диффузия тенгламаси орқали тавсифлаш мумкин. Фик тенгламасига кўра, қуритиш вақтида  $\ln W$  нинг вақтга боғлиқлиги учун (4) чизиқли тенглама материалдаги намликнинг самарали диффузия коэффициентини қуйидагича тавсифлаш учун ишлатилиши мумкин.

$$\ln W = \ln \frac{8}{\pi^2} - \frac{\pi^2 D_{\text{эфф.}} \cdot t}{L^2} \quad (4)$$

ушбу тенгламада  $t$  - қуритиш вақти, с;  $L$  - материал қалинлиги, м.

Қиялик усули самарали диффузия коэффициентини ҳисоблаш учун ишлатилади. (4) тенгламадан келиб чиқадики,  $\ln W$  вақтга нисбатан тўғри чизиқ шаклида чизилади ва чизиқнинг қиялиги (5) тенгламага мос келади.

$$\text{Қиялик} = \frac{\pi^2 D_{\text{эфф.}}}{L^2} \quad (5)$$

*Қуритишнинг фаоллашув энергияси.* Қуритишнинг фаоллашув энергияси қуритиш жараёнида бир мол буғлатиш учун зарур бўлган энергияни ифодалайди. Самарали намлик диффузия коэффициенти ва материалнинг қуритиш ҳарорати ўртасидаги боғлиқлик Аррениус тенгламаси орқали қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$D_{\text{эфф.}} = D_0 \exp \left[ - \frac{E_a}{R(T+273,15)} \right] \quad (6)$$

бу ерда  $D_0$  - материалдаги диффузион асос, доимий,  $\text{м}^2/\text{с}$ ;  $E_a$  - материални қуритишнинг фаолланиш энергияси,  $\text{кЖ}/\text{мол}$ ;  $R$  - қиймати  $8,314$  бўлган газнинг моляр доимийси  $\text{Ж}/(\text{мол}\cdot\text{к})$ ;  $T$  - материалнинг қуритиш ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$ .

Агар (6) тенгламанинг иккала томони натурал логарифмини олсак, у ҳолда қуйидагига эга бўламиз

$$\ln D_{\text{эфф.}} = \ln D_0 - \frac{E_a}{R} \cdot \frac{1}{(T+273,15)} \quad (7)$$

Самарали намлик диффузияси коэффициентининг натурал логарифми  $\ln D_{\text{эфф.}}$  (7) тенгламадаги  $\frac{1}{(T+273,15)}$  ва қиялик  $\frac{-E_a}{R}$  билан чизиқли боғлиқдир. Ҳолбуки,  $\ln D_{\text{эфф.}}$  ва  $\frac{1}{(T+273,15)}$  ўзаро боғлиқлиги маълум бўлгани учун  $E_a$  қийматини топиш учун қиялик усулидан фойдаланиш мумкин.

*Математик моделлар.* Тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган энг кўп ишлатиладиган олтига классик модель тенгламалари қуритиш тажрибалари маълумотларига мос равишда танлаб олинди.

## 1-жадвал

### Тут меваларини қуритишнинг математик моделлари

| № | Модель номи               | Модель тенгламаси                       |
|---|---------------------------|---|
| 1 | Пейдж                     | $W = \exp(-kt^n)$                       |
| 2 | Модификацияланган Пейдж   | $W = \exp(-kt)^n$                       |
| 3 | Хендерсон ва Пабис        | $W = a \exp(-kt)$                       |
| 4 | Логарифмик                | $W = a \exp(-kt) + c$                   |
| 5 | Икки каррала              | $W = a \exp(-kt_0 t) + b \exp(-kt_1 t)$ |
| 6 | Икки каррала экспоненциал | $W = a \exp(-kt) + (1 - a) \exp(-kat)$  |

Детерминация коэффициентининг қиймати ( $R^2$ ) экспериментал ва башорат қилинган қийматлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди ва қуритиш модели тенгламаларини танлашда асосий омил ҳисобланади. Мувофиқлик даражасини тавсифлаш учун аниқланиш коэффициентидан ташқари ( $\chi^2$ ) қиймати ва квадратик

хатолар йиғиндиси (RMS) дан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда,  $R^2$  нинг қиймати 1 га қанчалик яқин бўлса ҳамда  $\chi^2$  ва RMS ларнинг қийматлари қанчалик паст бўлса, модель шунчалик яхши мос келади деб қабул қилиш мумкин. Ушбу статистик параметрлар (8) - (10) тенгламаларга мувофиқ ҳисобланди.


$$R^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^N (W_{\text{отбор}} - W_{\text{прог.}})^2}{\sum_{i=1}^N (W_{\text{отбор}} - \bar{W}_{\text{отбор}})^2} \quad (8)$$

$$\chi^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^N (W_{\text{отбор}} - W_{\text{прог.}})^2}{N-n} \quad (9)$$

$$\text{RMS} = \sqrt{\sum_{i=1}^N (W_{\text{отбор}} - W_{\text{прог.}})^2} \quad (10)$$

Шундай қилиб, (8) ва (10) тенгламаларда:  $W_{\text{отбор}}$  - биринчи намуна олиш нуқтасида ўлчанган қуруқ асоснинг намлигини англатади;  $W_{\text{прог.}}$  - биринчи башорат қилиш нуқтасида қуруқ асосдаги намлик миқдорини;  $N$  - намуна олиш вақтлари сони;  $n$  - модель константалари сони.

*Тутни турли ҳароратларда ва ИҚ нурланиш қувватларида қуритиш хусусиятлари.* Турли ҳароратларда ва ИҚ нурланиш қувватида тутнинг қуритиш эгри чизиқлари ва қуритиш тезлиги эгри чизиқлари мос равишда 1 ва 2 расмларда кўрсатилган. 1-расм қуритиш ҳароратининг ошиши билан қуритиш вақти сезиларли даражада камайганлигини кўрсатади ( $p < 0,05$ ). Ҳарорат  $70^\circ\text{C}$  бўлганда тут меваларини қуритиш вақти  $65^\circ\text{C}$  га нисбатан анча қисқа эканлигини кўриш мумкин.



**1-расм. Конвектив инфрақизил қуритиш қурилмасида турли ҳароратларида (а) ва ИҚ нурланиш қувватларида (б) тут меваларини қуритишнинг эгри чизиқлари**

*Турли ҳароратларда ва қуритиш қувватларида тут меваларида намликнинг самарали диффузия коэффициенти.* 2-жадвалда тут меваларини турли синов шароитларида конвектив ИҚ қуритиш учун самарали намлик диффузияси коэффицентлари келтирилган.

**2-жадвал**

**Тут меваларини турли қуритиш шароитларида олинган самарали диффузия коэффицентлари**


| Қуритиш шароити               | Чизикли регрессия тенгламаси                    | $R^2$ | $(D_{\text{эфф.}} \times 10^{-9} \text{ м}^2/\text{с})$ |
|-------------------------------|---|-------|---|
| $65^\circ\text{C}$ , (230 Вт) | $\ln MR = -1,17 \times 10^{-4} \cdot t - 0,097$ | 0,983 | 4,17  |
| $70^\circ\text{C}$ , (230 Вт) | $\ln MR = -2,53 \times 10^{-4} \cdot t - 0,118$ | 0,985 | 5,69  |
| $75^\circ\text{C}$ , (230 Вт) | $\ln MR = -3,69 \times 10^{-4} \cdot t - 0,115$ | 0,983 | 5,51  |
| $70^\circ\text{C}$ , (260 Вт) | $\ln MR = -2,32 \times 10^{-4} \cdot t - 0,124$ | 0,981 | 5,29  |
| $70^\circ\text{C}$ , (280 Вт) | $\ln MR = -2,48 \times 10^{-4} \cdot t - 0,185$ | 0,973 | 5,57  |

2-жадвалда қуритиш ҳарорати самарали намлик диффузия коэффициентига сезиларли таъсир кўрсатади, яъни конвектив қуритиш ҳарорати ошиши билан қуритиш ҳарорати мос равишда ортади. Намуналарда намликнинг самарали диффузия коэффициенти 65 °C да  $4,17 \times 10^{-9} \text{ м}^2/\text{с}$  дан 70 °C да  $5,69 \times 10^{-9} \text{ м}^2/\text{с}$  гача ошди ва 70 °C, (280 Вт) да  $5,57 \times 10^{-9} \text{ м}^2/\text{с}$  максимал қийматга етди.

Бу эса ҳароратнинг ошиши тут меваларида намликнинг самарали диффузия коэффициентининг ошишига сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўрсатади. Шундай экан, сифатни таъминлаш асосида ишлаб чиқариш ҳароратини ошириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мумкин. Қуритиш қувватини ўзгартириш орқали қуритилаётган намуналардаги намликнинг самарали диффузия коэффициенти ўзгариши ҳарорат ўзгаришидан камроқ бўлади: 230 Вт ИҚ нурланиш қувватида  $4,17 \times 10^{-9} \text{ м}^2/\text{с}$  да энг паст кўрсаткичга эришди.


Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, конвектив ИҚ қуритишда материалга максимал даражада кириб борадиган ИҚ нурланиш, унинг ички массасини ичкаридан ташқарига ўтказиш йўналишини ўзгартириши мумкин. Бунда намликнинг самарали диффузия коэффициенти ошади ва тут меваларининг сувсизланиш даражаси бошқа қуритиш усуллариغا нисбатан юқори бўлади.

2-расмда қуритишнинг дастлабки босқичларида ИҚ қувватнинг ошиши билан қуритиш тезлиги сезиларли даражада пасайганлигини кўриш мумкин ( $p < 0,05$ ).



**2-расм. Конвектив инфрақизил қуритиш қурилмасида турли ҳароратларида (а) ва ИҚ нурланиш қувватларида (б) тут меваларини қуритиш тезлигининг эгри чизиқлари**

Тут меваларини конвектив-инфрақизил қуритишнинг фаолланиш энергияси. Тут меваларини конвектив-ИҚ қуритиш вақтида қуритиш ҳарорати (ИҚ нурланиш кучи 230 Вт да белгиланган) ва намликнинг самарали диффузия коэффициенти ўртасидаги боғлиқлик 3-расмда кўрсатилган. (7) тенгламадаги чизиқли регрессия қиялиги  $E_a$  дан тут мевасини қуритиш учун фаолланиш энергияси 53,97 кж/мол эканлиги келиб чиқади.



$T$  - қуритиш ҳарорати, °C;  
 $D_{эфф.}$  - намликнинг самарали  
 диффузия коэффициентини, м<sup>2</sup>/с.  
**3-расм. Намликнинг самарали  
 диффузия коэффициентига  
 боғлиқ бўлган конвектив ИҚ  
 қуритиш ҳарорати**

Қуритиш кинетикаси моделини танлаш. Қуйдаги 3-жадвалда тут меваларини қуритиш жараёнини ҳисоблаш натижалари келтирилган. Пейдж модели энг юқори ўртача  $R^2$  (0,99882) ва энг паст ўртача  $\chi^2$  ва RMS ( $2.89 \times 10^{-4}$ ,  $9.86 \times 10^{-4}$ ) га эга бўлиб, бу эса Пейдж модели ушбу тадқиқот ишига энг яхши мос келишини кўрсатади.


**3-жадвал**

**Турли хил конвектив-ИҚ қуритиш шароитларида тут мевасини қуритиш моделлари**


| Моделларнинг номланиши    | Қуритиш шароити | $R^2$   | $\chi^2$              | RMS                   |
|---------------------------|-----------------|---------|-----------------------|-----------------------|
| Пейдж                     | 65 °C (230 Вт)  | 0,99537 | $3,92 \times 10^{-4}$ | 0,00744               |
|                           | 70 °C (230 Вт)  | 0,99882 | $2,89 \times 10^{-4}$ | $9,86 \times 10^{-4}$ |
|                           | 75 °C (230 Вт)  | 0,99712 | $1,41 \times 10^{-4}$ | 0,00318               |
|                           | (70 °C 260 Вт)  | 0,99791 | $1,82 \times 10^{-4}$ | 0,002                 |
|                           | (70 °C 280 Вт)  | 0,99141 | $8,49 \times 10^{-4}$ | 0,00934               |
| Модификацияланган Пейдж   | 65 °C (230 Вт)  | 0,99463 | $4,54 \times 10^{-4}$ | 0,0864                |
|                           | 70 °C (230 Вт)  | 0,99387 | $6,13 \times 10^{-4}$ | 0,00675               |
|                           | 75 °C (230 Вт)  | 0,99428 | $6,81 \times 10^{-4}$ | 0,00477               |
|                           | (70 °C 260 Вт)  | 0,99592 | $1,82 \times 10^{-4}$ | 0,002                 |
|                           | (70 °C 280 Вт)  | 0,99137 | $8,49 \times 10^{-4}$ | 0,00934               |
| Хендерсон ва Пабис        | 65 °C (230 Вт)  | 0,99464 | $4,54 \times 10^{-4}$ | 0,00863               |
|                           | 70 °C (230 Вт)  | 0,9942  | $5,80 \times 10^{-4}$ | 0,00638               |
|                           | 75 °C (230 Вт)  | 0,99467 | $6,35 \times 10^{-4}$ | 0,00445               |
|                           | (70 °C 260 Вт)  | 0,99591 | $3,55 \times 10^{-4}$ | 0,0039                |
|                           | (70 °C 280 Вт)  | 0,9905  | $9,37 \times 10^{-4}$ | 0,0103                |
| Логарифмик                | 65 °C (230 Вт)  | 0,99675 | $2,76 \times 10^{-4}$ | 0,00496               |
|                           | 70 °C (230 Вт)  | 0,99552 | $4,48 \times 10^{-4}$ | 0,00448               |
|                           | 75 °C (230 Вт)  | 0,99591 | $4,88 \times 10^{-4}$ | 0,00292               |
|                           | (70 °C 260 Вт)  | 0,99568 | $3,77 \times 10^{-4}$ | 0,00377               |
|                           | (70 °C 280 Вт)  | 0,99299 | $6,90 \times 10^{-4}$ | 0,0069                |
| Икки каррали              | 65 °C (230 Вт)  | 0,99401 | $5,08 \times 10^{-4}$ | 0,00863               |
|                           | 70 °C (230 Вт)  | 0,99292 | $7,09 \times 10^{-4}$ | 0,00638               |
|                           | 75 °C (230 Вт)  | 0,99253 | $8,89 \times 10^{-4}$ | 0,00445               |
|                           | (70 °C 260 Вт)  | 0,99488 | $9,80 \times 10^{-4}$ | 0,00821               |
|                           | (70 °C 280 Вт)  | 0,98536 | $6,00 \times 10^{-4}$ | 0,01031               |
| Икки каррали экспоненциал | 65 °C (230 Вт)  | 0,99593 | $3,45 \times 10^{-4}$ | 0,00655               |
|                           | 70 °C (230 Вт)  | 0,99529 | $2,71 \times 10^{-4}$ | 0,00298               |
|                           | 75 °C (230 Вт)  | 0,9826  | $1,4 \times 10^{-4}$  | 0,00979               |
|                           | (70 °C 260 Вт)  | 0,99599 | $8,82 \times 10^{-4}$ | 0,00821               |
|                           | (70 °C 280 Вт)  | 0,99142 | $8,45 \times 10^{-4}$ | 0,00845               |

Диссертация ишининг «Қуритилган тут меваларининг физик-кимёвий хусусиятлари экспериментал тадқиқотлари ва лаборатория таҳлиллари» номли учинчи бобида қуритилган тут меваларини экспериментал ва лаборатория тадқиқоти натижалари келтирилган.

Намликнинг қуритиши тезлигига боғлиқ ҳолда ўзгариши. Қуйидаги 4-6 расмларда (1) тенглама бўйича ҳисобланган намлик коэффиценти қийматларига мос равишда қуритиш тезлиги қийматларининг ўзгаришини кўриш мумкин. Ушбу графикларга асосланиб, қуритиш ҳавосининг ҳарорати ошиши билан қуритиш тезлиги ошади ва натижада намлик миқдори аста-секин камаяди деган хулосага келиш мумкин.




**4-расм. 65 °C да қуритилган тут меваларини қуритиш тезлигининг намликка боғлиқ ҳолда ўзгариши**




**5-расм. 70 °C да қуритилган тут меваларини қуритиш тезлигининг намликка боғлиқ ҳолда ўзгариши**

Натижада, оқ тут меваси намуналари учун сирт майдони камайиши билан мос равишда қуритиш вақти қисқариши кузатилди. Мисол тариқасида 6-расмда 75 °C ҳароратда оқ ва қора тут меваси намуналари намлигининг қуритиш вақтига боғлиқлик графиги кўрсатилган. Адабиётлар таҳлили натижаларига кўра, намуна ҳажми катталашган сари қуритиш вақти ортиб бориши қайд этилган.



**6-расм 75 °C да қуритилган тут меваларини қуритиш тезлигининг намликка боғлиқ ҳолда ўзгариши**

Оқ ва қора тут меваларини қуритиш бўйича экспериментал маълумотлар чизиқли бўлмаган регрессия таҳлили ёрдамида математик моделлаштириш орқали олинган намлик миқдори ва қуритиш вақти эгри чизиқлари билан таққосланди. 1-жадвалда берилган математик моделлар ёрдамида олинган регрессия коэффицентлари ( $R^2$ ), ( $\chi^2$ ) ва квадратик хатоларнинг тахминий йиғиндиси (RMS) ҳисоблаб чиқилган ва 4-жадвалда батафсил келтирилган.



**7-расм. 70 °С да қуритилган оқ ва қора тут намуналари намлигининг қуритиш вақтига боғлиқ ҳолда ўзгариши**

Тенгламанинг мослигини аниқлаш учун  $R^2$  нинг энг юқори,  $\chi^2$  нинг энг кичик ва RMS қийматлари текширилади. Бунда, регрессия коэффициенти маҳсулотларнинг қуриш эгри чизиқларини тавсифловчи энг яхши моделни аниқлаш имконини беради. Квадратик хатолар йиғиндиси (RMS) математик модель томонидан олинган қийматлар ва экспериментал қийматлар ўртасидаги мутаносибликни кўрсатади.

#### 4-жадвал


**Тут мевалари учун ҳисобланган статистик маълумотлар**

| Қуритиш ҳарорати | Модель                    | $R^2$  | $\chi^2$ | RMS      |
|------------------|---------------------------|--------|----------|----------|
| 65 °С            | Пейдж                     | 0,9896 | 0,000162 | 0,005350 |
|                  | Модификацияланган Пейдж   | 0,9853 | 0,000355 | 0,065276 |
|                  | Хендерсон ва Пабис        | 0,9882 | 0,000018 | 0,062612 |
|                  | Логарифмик                | 0,9799 | 0,000042 | 0,027125 |
|                  | Икки каррали              | 0,9892 | 0,000037 | 0,029292 |
|                  | Икки каррали экспоненциал | 0,9888 | 0,000115 | 0,050341 |
| 70 °С            | Пейдж                     | 0,9954 | 0,002748 | 0,012609 |
|                  | Модификацияланган Пейдж   | 0,9913 | 0,001476 | 0,080652 |
|                  | Хендерсон ва Пабис        | 0,9903 | 0,000442 | 0,024257 |
|                  | Логарифмик                | 0,9898 | 0,000057 | 0,034874 |
|                  | Икки каррали              | 0,9912 | 0,000313 | 0,064854 |
|                  | Икки каррали экспоненциал | 0,9893 | 0,000063 | 0,035937 |
| 75 °С            | Пейдж                     | 0,9815 | 0,001717 | 0,166649 |
|                  | Модификацияланган Пейдж   | 0,9869 | 0,001277 | 0,177182 |
|                  | Хендерсон ва Пабис        | 0,9990 | 0,005111 | 0,263803 |
|                  | Логарифмик                | 0,9998 | 0,000010 | 0,263190 |
|                  | Икки каррали              | 0,9997 | 0,005390 | 0,032990 |
|                  | Икки каррали экспоненциал | 0,9981 | 0,000181 | 0,048546 |

Икки намунага татбиқ этилган 6 та қуриш моделларининг натижаларини ўрганиш вақтида  $R^2$  нинг энг юқори қийматлари ва RMS ҳамда  $\chi^2$  нинг энг кичик қийматлари Пейдж моделига энг яқин эканлиги аниқланди. Шунинг учун ушбу модель тут меваларини қуриш модели учун энг мос келади деб хулоса қилинди.

*Диффузия коэффицентини ҳисоблаш натижалари.* Самарали диффузия коэффицентининг қийматлари (6) тенглама ёрдамида ҳисобланган. Қуриш ҳарорати ошиши билан  $D_{эфф.}$  қийматлари мос равишда ошиб бориши кузатилди. Намуналар юқори ҳароратда қуришганда, кўтарилган иссиқлик энергияси сув молекулаларининг фаоллигини оширади ва натижада диффузия кучаяди. Қуйидаги 8-расмдан диффузия коэффицентлари ҳарорат ошиши билан ортиб боришини


кўриши мумкин, чунки юқори ҳароратларда тут меваларидаги намликнинг бугланиши тезроқ содир бўлади.



**8-расм. Турли ҳароратларда қуритилган тут меваларининг самарали диффузия коэффицентлари**


Агарда, тут меваларининг ҳар икки намуналарини  $D_{эфф.}$  қийматлари бўйича такқосласак, у ҳолда номинал ҳароратда оқ тут мевалари қора тут меваларидан диффузия ҳисобига кўра бир оз тезроқ қурийдиган хулосага келишимиз мумкин.

*Фаолланиш энергиясини ҳисоблаш натижалари.* Фаолланиш энергияси  $\ln D_{эфф.}$  ва ҳарорат ўртасидаги боғлиқлик (7) формула ёрдамида ҳисобланган.



**9-расм. Ҳароратнинг самарали диффузия коэффицентига таъсири**

*Инфрақизил қувват даражасининг қуритиш вақтига таъсири.* Инфрақизил қуритиш қурилмасида қуритиш жараёни учун 100 гр оқ ва қора тутлар мос равишда 230 Вт, 260 Вт ва 280 Вт қувватларда охириги намлик миқдори ўртача 16% га қадар қуритилган. Қуритилаётган намуналар ҳар бир соатда ўлчанган ва қайд этилган. Таҷрибалар натижасида қуритилган намликнинг қуритиш вақти ва ИҚ қувват даражасига боғлиқлик графиклари 10-расмда келтирилган.



**10-расм. Турли қувватларида қуритилган тут меваларининг намлик миқдорини қуритиш вақтига боғлиқлик графиги**

10-расмдан маълум бўладики, қуритишнинг энг қисқа вақти 230 Вт инфрақизил қувватида қуритилган намуналарда кузатилди. Шундай қилиб, қўлланиладиган қувват ортиши билан қуритиш вақти мос равишда ортади. Инфрақизил қувватида қуритилган намуналар учун энг узок қуритиш давомийлиги 280 Вт да қайд этилди.

*Математик моделлаштириш натижалари.* Регрессия коэффициенти ( $R^2$ ), ( $\chi^2$ ) ва квадратик хатолар йиғиндисининг тахминий қийматлари (RMS) тут мевасини қуритиш эгри чизигининг мослигини аниқлаш учун киритилган параметрлар ҳисобланади. Ушбу параметрларни солиштириш учун олти хил қуритиш моделидан фойдаланилди. Ушбу моделлар турли қувват даражаларида инфрақизил қуритиш қурилмасида қуритилган тут намуналаридан олинган маълумотларга нисбатан қўлланилган. Башорат қилинган статистик маълумотлар 5-жадвалда багафсил келтирилган.

### 5-жадвал

**Тут меваларини ИҚ қуритиш қурилмасида 230, 260 ва 280 Вт қувватларда қуритиш моделларининг статистик натижалари**

| Қувват даражаси | Модель                    | $R^2$  | $\chi^2$ | RMS      |
|-----------------|---------------------------|--------|----------|----------|
| 230 Вт          | Пейдж                     | 0,9995 | 0,000052 | 0,028978 |
|                 | Модификацияланган Пейдж   | 0,9763 | 0,002140 | 0,206862 |
|                 | Хендерсон ва Пабис        | 0,9966 | 0,000274 | 0,062159 |
|                 | Логарифмик                | 0,9656 | 0,003622 | 0,225477 |
|                 | Икки каррала              | 0,9978 | 0,000366 | 0,076037 |
|                 | Икки каррала экспоненциал | 0,9981 | 0,000211 | 0,08272  |
| 260 Вт          | Пейдж                     | 0,9992 | 0,000083 | 0,025061 |
|                 | Модификацияланган Пейдж   | 0,9656 | 0,003073 | 0,190663 |
|                 | Хендерсон ва Пабис        | 0,9750 | 0,002297 | 0,144812 |
|                 | Логарифмик                | 0,9476 | 0,000077 | 0,028583 |
|                 | Икки каррала              | 0,9929 | 0,001059 | 0,117551 |
|                 | Икки каррала экспоненциал | 0,9981 | 0,002103 | 0,03892  |
| 280 Вт          | Пейдж                     | 0,9996 | 0,000045 | 0,018225 |
|                 | Модификацияланган Пейдж   | 0,9868 | 0,001274 | 0,050824 |
|                 | Хендерсон ва Пабис        | 0,9968 | 0,000399 | 0,052891 |
|                 | Логарифмик                | 0,9819 | 0,002039 | 0,110248 |
|                 | Икки каррала              | 0,9977 | 0,000399 | 0,052515 |
|                 | Икки каррала экспоненциал | 0,9990 | 0,000295 | 0,02529  |

5-жадвалдаги маълумотлар бўйича  $R^2$  нинг энг юқори даражаси ҳамда RMS ва  $\chi^2$  ларнинг энг кичик қийматлари Пейдж моделига мос келади. Шу боисдан Пейдж модели, инфрақизил қуритиш қурилмасида қуритилган тут меваларининг қуритиш эгри чизикларини энг яхши тавсифловчи модель сифатида танланган.

*Турли қуритиш усулларида қуритилган тут мевалари таркибидаги аминокислоталар.* Ҳар бир қуритилган намуна қуйидаги тартибда таҳлил қилиш учун алоҳида тайёрланди: №1-ЎЮЧ да қуритилган оқ тут мевалари; №2-инфрақизил қуритгичда қуритилган оқ тут мевалари (муаллиф томонидан таклиф этилган қуритиш усули); №3-табиий усулда қуритилган оқ тут мевалари; №4-ЎЮЧ да қуритилган қора тут мевалари; №5-инфрақизил қуритгичда қуритилган қора тут мевалари (муаллиф томонидан таклиф этилган қуритиш усули); №6-табиий усулда қуритилган қора тут мевалари.

### 6-жадвал

